



## **БАДИЙ АДАБИЁТДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами

2020 йил 25 сентябрь

## **ПРОБЛЕМЫ РЕЧИ И СТИЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

Сборник материалов международной научно-практической конференции

25 сентября 2020 г.

## **PROBLEMS OF SPEECH AND STYLE IN FICTION**

Collection of materials of the international scientific and practical conference

September 25, 2020

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи,  
филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов  
таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман  
м а т е р и а л л а р и

*Фаргона-2020*

УДК: 8-1/-9+7.03+(042)

ББК: 81/83

**Бадий нутқ ва услуб муаммолари.** Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман материаллари. 25 сентябрь 2020 йил, Фарғона. 2020. – 300 бет.

*Фарғона давлат университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган  
(2020 йил 29 августдаги 1-сонли баённома)*

*Одобрено учёным советом Ферганского государственного университета. прот. № 1 от 29 августа 2020 года.*

*Approved by the Resolution of the scientific committee the Ferghana State University protocol (in 2020, 29 august).*

### **Такризчилар:**

Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор.

Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори.

А.Муҳиддинов – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Илмий-амалий конференция материалларига оид мазкур тўпламга, профессор Й.Солижонов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуман иштирокчиларнинг ишлари жамланган. Тўпламда бадий нутқ ва услуб масалалари, ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси, фольклор, тилшунослик, таржимашунослик, тил ва адабиётни ўқитишдаги долзарб муаммо ва масалалар ҳақида сўз юритилган.

Тўпламдаги материалларда ёритилган маълумотлар ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир.

В сборнике материалов научно-практической конференции собраны научные статьи и работы участников конференции, посвящённые 80-летию профессора Й.Солижонova. В сборнике говорится об актуальных проблемах и задачах художественной речи и стилистики, истории узбекской литературы, теории литературы, фольклора, языкознания, переводоведения, преподавания языка и литературы.

За правдивость информации в материалах ответственность несут авторы.

The collection of materials of the scientific and practical conference contains scientific articles and works of the conference participants dedicated to the 80th anniversary of Professor Y. Solizhonov. The collection speaks about topical problems and tasks of artistic speech and stylistics, the history of Uzbek literature, theory of literature, folklore, linguistics, translation studies, teaching language and literature.

The authors are responsible for the truthfulness of the information in the materials.

### **Нашрга тайёрловчилар:**

**Қ.Йўлчиев** – Фарғона давлат университети таянч докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Д.Ғуломов** – Фарғона давлат университети адабиётшунослик йўналиши магистранти

### **Масъул муҳаррир:**

**З.Раҳимов** – Фарғона давлат университети филология факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент

### **Таҳрир хайъати:**

**А.Сабирдинов** – Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**Ш.Искандарова** – Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**С.Қурбонова** – Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Тойирова** – Фарғона давлат университети инглиз тили методикаси кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**А.Қосимов** – Фарғона давлат университети рус филологияси кафедраси мудири

**Н.Шарафиддинова** – Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси

**Г.Мамажонова** – Фарғона давлат университети рус филологияси кафедраси ўқитувчиси

# НАВОИЙ ИЖОДИДА МОТАМ МАРОСИМИГА ОИД УРФ-ОДАТЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

М.Ражабова,  
ф.ф.н., доцент, БухДУ

## Аннотация

Мақолада Алишер Навоий лирик меросида мотам маросимига алоқадор урф-одатларнинг бадиий талқинлари тўғрисида фикр юритилади.

## Аннотация

В статье рассматривается художественная трактовка траурных ритуалов в лирическом наследии Алишера Навои.

## Annotation

The article discusses the artistic interpretation of mourning ceremonies in the lyrical heritage of Alisher Navoi.

**Калит сўзлар:** мотам, маросим, урф-одат, ишқ, лирик қахрамон, мумтоз адабиёт.

**Ключевые слова:** традиция, траур, церемония, любовь, лирический герой, классическая литература.

**Keywords:** tradition, mourning, ceremony, love, lyrical hero, classical literature.

Алишер Навоий лирик меросининг каттагина қисмини лирик шеърлар ташкил қилади. Уларда ишқ, ошиқлик муаммолари васф қилинади. Шоир ғазалларида ошиқнинг имконсиз ҳолатини, тушкунлик кайфиятини беришда мотам маросимига тегишли сўз ва сўз бирикмалари билан бирга халқда шаклланган урф-одатларга ҳам ишоралар қилиб ўтади. Жумладан, “Фавойид ул-кибар” девонининг 399-ғазалида шундай байтлар мавжуд:

Қора дастор то чирмади моҳим,  
Бошимга чирмашибтур дуди оҳим...  
Анга ҳамранг ўлай деб мотамимен,  
Қорарған рўзгорим бор гувоҳим.  
Кўзумдур тийра, яъни, эй Навоий,

Қора тўн кийди мотам ичра шоҳим. [4,272]

Моҳим бошига қора дастор (рўмол) ўради. Менинг эса бошимга дуди оҳим чирмашди. Мен ҳам у билан ҳамранг бўлиш учун мотамдаман. Бунга эса қорарған рўзгорим гувоҳ. Эй Навоий, кўзим тийра (қора) бўлди. Мотам ичра қолган шоҳим (кўз) қора тўн кийди.

Келтирилган байтларда дастор, дуд, рўзгор, кўз, тўн сўзлари қора сифати билан бирга келган. Булардан фақатгина “қора рўзгор” бирикмаси кўчма маънода қўлланилган.

Адабиётшунос олим И.Ҳаққулов “Яна қора ранг талқини ҳақида” мақоласида шундай ёзади: “Ранглар ва уларнинг рамзий маъно-моҳиятидан баҳс юритиш осон эмас, албатта. Чунки ранглар у ёки бу халқнинг уни қуршаб олган олам, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва тасаввурлари билан ҳам боғланиб кетган. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгиланиб борган” [5,52]. Олим мазкур мақолада қора рангнинг Алишер Навоий ижодидаги маъно-моҳиятига тўхталади ва “қора ранг” орқали ифодаланган ижобий сифатлар таҳлиллар орқали ёритиб берилади. Биз ҳам олимнинг илмий қарашларини маъқуллаган ҳолда, Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган байтларида

мотам (аза)да қора тўн кийиш одати туркий халқларда мазкур ранг нохуш воқеа-ходисаларни тасвирлаш учун ҳам хизмат қилганини таъкидламоқчимиз. Қуйида келтирилган байтлар ҳам фикримиз тасдиғи учун хизмат қилади:

Дуди оҳ ичра қора киймишлар,  
Бўлди ишқ аҳлиға мотам гўё.  
Буки, девона кўнгулсевди парий,  
Бевафодур бани одам гўё. [4,25]

Қуйидаги байтда ҳам қора рангнинг мотам маросимиға алоқадорлиғи ҳамда мотамда қора кийим кийиш одати ифодаланган:

Ўртабон парвонани, эй шамъ, сўнгра не осигъ,  
Йиғламоқ чирмаб қора мотамлиқ элдек шеванинг. [3,249]

Эй шаъм, парвонани ўртаб куйдурганингдан кейин нима фойда. Бу худди элнинг мотамда қора кийиб (чирмаб), нола, фиғон (шеван) қилгани кабидир.

Алишер Навоий байтда халқнинг мотамда қора кийиб, нола, фиғон қилиб йиғлаш одатини тамсил қилиб келтириш орқали ошиқнинг ишқда парвонадек куйишини тасвирлайди.

Улуғ шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” ва “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” дostonларида ҳам мотам маросими билан боғлиқ урф-одатларға дуч келинади. Жумладан, Навоий замонида фарзанд вафот этса, она бўйниға қора кигиз осигъ одати бўлган [1,186]. Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonининг XLIX бобида мазкур одатни мажозий маънода ишққа кўчиради:

Бу мотам ичра ишқи оташангез,  
Солиб бўйниға айнидин қаро киз

Бу мотам ичида оташин ишқ Фарҳодға қилган ўз ишидан пушаймон бўлиб, “айн” харфидан бўйниға қора наmat илди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Нима учун айнан “Айн” харфи бўйниға қора наmat илди? Аввало “айн” араб алифбосидаги харфлардан бири бўлиб, харфларнинг ботиний маъноларини кашф айлаган ҳуруфийлик тариқатида “айн” ишқнинг ибтидоси маъносини англатади. Қолаверса, ИШҚ сўзининг биринчи харфи ҳам “айн” билан ёзилади. Фарҳод ишқ билан туғилди, ишқ билан ҳалок бўлди. Демак, Фарҳод учун доимий ҳамроҳ - ишқ. Шунинг учун Навоий ишқ йўлида курбон бўлган Фарҳоднинг ўлимиға хатто ишқ аза тутиб, она сингари бўйниға наъmat осганлигини айтади. Улуғ шоир асарларида бирор бир фикр асосиз эмаслигини ана шу тасвирдан ҳам билса бўлади. Фикр асосини дostonнинг ўзидан аниқлаш мумкин. Чунки Фарҳод туғилганида ишқ билан туғилган эди, у ишқнинг фарзанди эди. Ишқ – она, Фарҳод – фарзанд. Шунинг учун ишқ унинг азасида бўйниға наmat – қора кигиз осган. Шоир мазкур тасвир орқали мажозий ишқнинг илоҳий ишққа бирлашиб кетишиға урғу берган.

“Садди Искандарий” дostonида ҳам шу урф-одат билан боғлиқ байтларни учратамиз.

Асо тутги, доғи белин боғлади,  
Тушуб йўлга гардуни чин доғлади...  
Яқо чокиға даст топсам эди,  
Қаро киз осиб танни ёпсам эди.

Дostonнинг LXXX бобидан келтирилган иқтибоснинг дастлабки байтида “асо тутиш”, “бел боғлаш” каби мотам маросимиға алоқадор урфлар ҳақида фикр юртилган бўлса, иккинчи байтида “мотам кигизи”ни келтириш орқали шоир онанинг фарзанди вафотиға ишонмаслиғи, танини “қора мотам кигизи” билан ёпишға қўли бормаслигини таъкидлайди.

Алишер Навоий лирик меросида анъанавий образ ва тасвирлар билан бирга навоиёна “топилма”ларига ҳам дуч келамизки, бу улуғ шоирнинг бадиий диди ва юксак маҳоратидан дарак беради. Ана шундай тасвирларда ҳам Алишер Навоий халқ урф-одатларига мурожаат қилади. Жумладан,

То тирикмен ишқи ҳарфидур ичимда, эй рафиқ,  
Ўлсам они-ўқ мазорим тошида марқум қил. [2,343]

Маъноси: Эй рафиқ, тирик эканман, ишқ ҳарфи ичимдадир. Агар ўлсам уни мазорим тошига ёзиб қўй.

Биламизки, туркий халқларда вафот этган кишининг қабрига тош қўйиш одати шаклланган. Шоир юқоридаги байтда шу одатни фикр тасдиғи учун келтирган. Қуйидаги қитъада ҳам мазор устига тош қўйиш одатига ишора мавжуд.

Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,  
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош.  
Чу ўлгунгдур, не осиф, тўкмак они  
Мазоринг узра андоққим ушоқ тош. [2,636]

Жавоҳир ҳирсида элнинг жонини олган шоҳнинг ўлганидан кейин қабри устида ушшоқ тош қўйишнинг нима фойдаси бор, - дейиш орқали шоир шоҳларнинг адолатли бўлиш ғоясини илгари суради.

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқларга тегишли урф-одатлар, анъаналар, моддий ва маънавий бойликлар улуғ шоир Навоийнинг ўткир заковати ва бадиий тафаккури туфайли маънавиятимиз хазинасига нодир дурлар бўлиб қўшилди. Натижада туркий тилнинг имконият чегаралари кенгайди. Чунки ҳар қандай тилнинг ривожланиши ўша халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига боғлиқдир.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мадаев О. Навоий суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 2018.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдди. I жилд. Бадоеъ ул-васат. –Т.: Фан, 1990.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдди. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдди. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990.
5. Ҳаққулов И. Яна қора ранг талқини ҳақида // ЎТА, 2001. №3.

дорогим, не допускающим примитивного понимания. Само слово мобильный означает подвижность, способность к быстрому перемещению. Иногда авторы рекламных слоганов, чтобы подчеркнуть значимость товара стараются добавлять иноязычные вкрапления типа премиум-класс, комфорт-класс, бизнес-класс жилья. Таким образом, они изначально разделяют продукт по качественному признаку, но если с рекламой квартир все более или менее понятно, то перенесения этих значений через сложения на другие товары вызывает комический эффект: пылесос премиум-класса, пылесос комфорт-класса. Все это создает определенную привлекательность, а заимствованные слова вселяют уверенность в том, что данный товар отменного качества. При формировании речевого слогана путем сложения используется принцип аналогии. Так при рекламе люков фирмой «Люк-оптом» используется такое сочетание люки-невидимки, новообразование получилось по сходству с знаменитой маркой американского самолета «Стелс», который был невидим для радаров, путем соединения и включения второй части слова. Мы получаем из невзрачного образа, предмет, который в качестве неологизма, путем сложения создает у покупателя впечатления надёжности и привлекательности. Другим интересным фактом является полная транслитерация уже готового заимствования в родной язык, который сразу превращается в неологизм. При рекламе строительного оборудования очень часто используется термин «маркетплейс», заимствование целиком транзитировано в язык средств массовой информации. Маркетплейс – место торговли, место традиционной и принятой деловой практики и этикета встречи покупателей и продавцов (викисловарь). Налицо сложение слов английского языка, которые в силу краткости заменяют эквивалентное предложение на русском. При разборе над данной статьей нам впервые очередь хотелось выявить причины, побудившие использовать сложения, как способ создания рекламного образа. Основной довод – это экономия слов, так для зрителя или читателя длинный словесный ряд может показаться неинтересным или незаслуживающим внимания. Поэтому компиляция двух основ или слов в единое целое позволяет быстрее передать информацию. При этом включение иностранных слов типа: премиум, комфорт, экономстрой, стройхаус, стройситикомплект, стройдеталь, бизнес позволяет создать иллюзию о качестве товара. Сегодня очень модной тенденцией становится полное внедрения без изменений англицизмов или других иноязычных слов в качестве наименования терминов строительной промышленности. Приведенные нами словоформы были созданы авторами в результате соединения целых слов или основ. Кроме этого при работе над изучением сложных слов создатели рекламных слоганов, нами было поддержано о многофункциональности видоизменений при создании речевых образов. С точки зрения морфологии большую часть из этих слов составляют существительные, которых использует при создании новых слов. Любой неологизм, даже если он не получает широкого словоупотребления, всегда привлекает внимание. Поэтому ориентация на иностранное слово в качестве основы словопроизводства не всегда оправдано, а подчас вызывает смех. Ср.пылесос премиум-класса, бетонасоскомфорт-класса и квартира бизнес –класса, жилье премиум-класса. Разграничение с учетом специфики товара предполагает закрепление частоты употребления второго варианта. Тогда как первый вариант ничего кроме лексической несовместимости не вызывает. Другое дело, когда речь идет об умышленном смешении иноязычного высокого и русского просторечного. Ср. евросеть (название сети магазинов), Евро-5(маркировка нефтепродуктов), но евродвушка, (двухкомнатная квартира, сделанная по европейским стандартам). Приведенные нами примеры свидетельствуют и подтверждают, что идея о возрастающей роли сложения при появлении авторских неологизмов и рождения терминов строительства.

речевые модели культуроведческой направленности в естественных жизненных ситуациях, которые способствуют и будут способствовать оздоровлению общепсихологического климата на занятиях по любой дисциплине, создавать уважительное отношение студентов к преподавателю и друг к другу, а также доброжелательную обстановку и цивилизованные отношения. Подобная методика по развитию и совершенствованию «культурноносных» навыков и умений принципиально меняет схему современного коммуникативного акта.

На наш взгляд, именно преподаватель выступает в качестве организатора процесса «культурологизации» обучения. Действительно широкое внедрение в учебный процесс культурологических задач помогает сделать занятие более полезным, интересным и доступным, тем самым ускорить овладение студентами культурой, в том числе и культурой общения и культурой речи, что, по-нашему мнению, является одним из важных и основных постулатов культурного образованного человека.

#### **Список литературы:**

1. Скворцов Л.И. Теоретические основы культурной речи. – Москва, 1980.
2. Казарцева О.М. Культура речевого общения. – Москва: Наука, 2001.

## **МИРООЩУЕНИЕ БОРИСА ПАСТЕРНАКА В ПОЭТИЧЕСКОМ СБОРНИКЕ «СЕСТРА МОЯ – ЖИЗНЬ»**

**Д.Турдалиев,**  
*преподаватель, ФерГУ*

#### **Аннотация**

Данная статья посвящена анализу поэтического сборника Бориса Пастернака «Сестра моя – жизнь». Коротко рассказав о самом сборнике и вошедших в него знаменитых стихах Пастернака, автор находит рецепции между Пастернаком как поэтом 20 века с одной стороны, и Пушкиным и Лермонтовым как поэтами 19 века с другой.

#### **Аннотация**

Мақола Борис Пастернакнинг “Ҳаёт – синглим” шеърӣй тўплами таҳлилига бағишланган. Тўплам ва унга киритилган шеърлар қисқача баён қилинган, муаллиф, бир томондан XX аср шоири Пастернак, иккинчи томондан эса XIX аср шоирлари Пушкин ва Лермонтовлар орасида англашинишни аниқлаган.

#### **Annotation**

This article is devoted to the analysis of Boris Pasternak’s poetry collection “My sister – life”. After briefly describing the collection itself and the famous poems of Pasternak included in it, the author finds a reception between Pasternak as a poet of the 20 th century on the one hand, and Pushkin and Lermontov as poets of the 19 th century on the other.

**Ключевые слова и выражения:** Пушкин, Лермонтов, Пастернак, человек и мир, любовь, одухотворенность, особый реализм.

**Таянч сўз ва иборалар:** Пушкин, Лермонтов, Пастернак, инсон ва дунё, муҳаббат, маънавий озикланиш, ўзига хос реализм.

**Key words:** Pushkin, Lermontov, Pasternak, man and the world, love, spirituality, unique realism.

Борис Пастернак свою самую органичную книгу (1922) назвал «Сестра моя – жизнь» и это его лучший поэтический сборник . И это сразу – образ, который концентрирует содержание

З.Акбарова. ТИЛДА ШАХС МУАММОСИГА ДОИР .....	247
С.Курбонова. ЛИНГВИСТИК ПРАГМАТИКАДА ФОНАЦИОН ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ .....	249
З.Алимова. ЎЗБЕК ТИЛИДА ФАОЛ ҚЎЛЛАНУВЧИ ФОРСЧА-ТОЖИКЧА АФФИКСЛАР ХУСУСИДА .....	251
Г.Жўрабоева. ТОПОНИМЛАР НОМЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ СОЦИАЛ ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИГА ДОИР .....	254
К.Топволдиев. РЕЛИГИОЗНАЯ ЛЕКСИКА В ЯЗЫКЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ А.С.ПУШКИНА ....	256
Н.Каримова. ПРОБЛЕМАТИКА НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СЕМАНТИКИ В ЛЕКСИКО-ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦАХ И АФОРИЗМАХ .....	258
Н.Сабилов. БУХАРИЯ В ОПИСАНИИ ФИЛИППА ЕФРЕМОВА РОССИЙСКОГО УНТЕР- ОФИЦЕРА - САМОВИДЦА И ОПИСАТЕЛЯ .....	260
Н.Сабилов, Н.Саидбаева. ФУНКЦИЯ «ДИСКУРС»А В СТРУКТУРЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ .....	263
А.Абдуллаев. ТИЛШУНОСЛИҚДА РАНГЛАР СИМВОЛИКАСИ МАСАЛАСИ .....	266
N.Mamadaliyeva. TARJIMA MUAMMOLARINING LINGVISTIK ASPEKTI HAQIDA .....	269
Д.Турдалиев. СБОРНИК СТИХОВ БОРИСА ПАСТЕРНАКА «БЛИЗНЕЦ В ТУЧАХ»: МИФ И РЕАЛЬНОСТЬ .....	273
Б.Қаюмов, Б.Дехқонов. РОЛЬ ЧИСЛА В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УЛУГБЕКА ХАМДАМА .....	275
Э.Абдуллаева. О ВЗАИМОВЛИЯНИИ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	277
Б.Дехқонов, Н.Жўрақўзиева. РОЛЬ СЛОЖЕНИЯ ПРИ СОЗДАНИИ РЕКЛАМЫ СТРОИТЕЛЬНОЙ ТЕХНИКИ .....	279
Г.Мамаджанова, А.Мамаджанов. ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ РЕЧИ СТУДЕНТОВ НА ЗАНЯТИЯХ В ВУЗЕ .....	282
Д.Турдалиев. МИРООЩУЩЕНИЕ БОРИСА ПАСТЕРНАКА В ПОЭТИЧЕСКОМ СБОРНИКЕ «СЕСТРА МОЯ – ЖИЗНЬ» .....	284
R.Isomiddinova, Y.Karimova. BADIY ASARLARDA AYOL OBRAZINING REALISTIK TASVIRI .....	286
I.Kamolov. FRIS VYURTLENING “ANDIJON SHAHZODASI” ASARIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR OBRAZI TALQINIDA BIOGRAFIK YONDASHUV .....	288
М.Тўхтабоева. БОТУНИНГ АЛИФБО ВА ИМЛО ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ .....	291

# БАДИЙ АДАБИЁТДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами

## ПРОБЛЕМЫ РЕЧИ И СТИЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Сборник материалов международной научно-практической конференции

## PROBLEMS OF SPEECH AND STYLE IN FICTION

Collection of materials of the international scientific and practical conference

“Ёшлар матбуоти” МЧЖда чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Бичими: 84x108<sub>1/16</sub>  
Нашриёт босма табағи: 18,75. Шартли босма табағи: 19,0  
Times New Roman гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Адади: 120 дона.